



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 18 » март

№ 166

Toshkent sh.

### **Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлика-таҳлил” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартиба солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4162-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлика-таҳлил” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларини улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уларнинг айланмаси соҳасида хукуқбузарлик хавфини автоматик тарзда инсон омили аралашмаган ҳолда тахлил қилиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини тўлиқ тахлил қилиш ҳамда якуний натижаларни балли тизим орқали хукуқбузарлик хавфи даражасини баҳолаш;

тизим маълумотлари асосида шакллантирилган рўйхатга асосан ташкилотларда текшириш ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга мурожаат қилиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

икки ой муддатда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш мақсадида “таҳлика-таҳлил” тизими ишлаб чиқилишини ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартиба солиш инспекцияси фаолиятига 2020 йил 1 майдан жорий этилишини;

2020 йил 1 июлга қадар “таҳлика-таҳлил” тизимида ўзаро ахборот алмашинуви тартиб-таомилларини йўлга қўйиш мақсадида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ахборот тизимлари билан интеграциялашувини таъминласин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иктисодиёт ва саноат вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “18” март даги 166-сон қарорига  
илова

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини  
ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича  
“таҳлика-таҳлил” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясида (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлика-таҳлил” тизимини (кейинги ўринларда тизим деб аталади) жорий этиш тартибини белгилайди.

2. Тизимда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларини улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уларнинг айланмаси соҳасида ҳукуқбузарлик (кейинги ўринларда ҳукуқбузарлик деб аталади) хавфи автоматик тарзда инсон омили аралашмаган ҳолда таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Инспекция томонидан тизимда маълумотларни киритиш ва таҳлил этиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

3. Тизим Инспекциядаги мавжуд ички ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган ташки маълумотларга асосан қўйидаги йўналишларда:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия талаблари ва шартларининг бузилишини;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сарфланган хомашё ва ёрдамчи материалларнинг тайёр маҳсулотга нисбатан мутаносиблигини;

истеъмол этил спиртини ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот намуналарининг синовдан ўтказиш натижалари бўйича мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) қайта ишлаб чиқариш жараёнига қайtarилишини;

Истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари сифатини органолептик баҳолаш бўйича республика дегустация комиссиясининг Алкоголли маҳсулотларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги қарорини;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси билан боғлиқ ҳисоботлар бўйича мунтазам равишда қайта ҳисоб-китобларнинг амалга оширилганлигини;

маҳсулотларни сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишда ҳужжатлар бўлмаслиги ҳолатларини;

ташкилотлар ҳисбот даври мобайнида дастлаб рўйхатга олинган юридик манзилини ёки технологик жиҳозларни мунтазам равишда ўзгартириб борилганлигини;

ишлаб чиқарилган истеъмол ва техник этил сирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировкасиз ёки қалбаки акциз маркали маҳсулотларни реализация қилиш ҳолатларини;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан айнан бир ташкилот фаолиятидан норозилиги ҳақидаги мурожаатларни таҳлил қиласи.

4. Тизим мазкур Низомнинг З-бандида белгиланган йўналишларга асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини тўлиқ таҳлил қиласи ҳамда якуний натижаларни балли тизим орқали ҳукуқбузарлик хавфи даражасини баҳолайди.

Ҳукуқбузарлик хавфи даражасининг балли тизими Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) билан келишилган ҳолда Инспекциянинг буйруги билан тасдиқланади.

## **2-боб. Ҳукуқбузарлик содир этиш хавфини таҳлил этиш**

5. Тизим орқали ташкилотларда ҳукуқбузарлик хавфи даражаси балли тизимда таҳлиллар давомида аниқланган камчиликлар сони ва оғирлик даражасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

6. Инспекция томонидан тизим маълумотлари асосида шакллантирилган ташкилотларда ҳукуқбузарлик хавфи даражаси таҳлили мунтазам ўтказиб борилади.

7. Аниқланган ҳолатлар юзасидан Инспекция томонидан ташкилотларда ҳукуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текшириш ўтказиш юзасидан белгиланган тартибда ваколатли органга мурожаат қилинади.

8. Тизим таҳлили натижаларига кўра хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари уч тоифага бўлинади:

ҳукуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган ташкилотлар;

ҳукуқбузарлик содир этиш хавфи ўртacha бўлган ташкилотлар;

ҳукуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган ташкилотлар.

### **3-боб. Хуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори, ұртача ёки паст бўлган ташкилотлар билан ишлаш**

9. Инспекция томонидан хуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори, ұртача ёки паст бўлган ташкилотлар рўйхати тизим маълумотлари асосида шакллантирилади.

10. Тизим маълумотлари асосида шакллантирилган рўйхатга асосан хуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори ташкилотларда текшириш ўтказиш юзасидан ваколатли органга мурожаат қилинади.

11. Тизим маълумотлари асосида шакллантирилган рўйхатда келтирилган ташкилотларга Инспекция томонидан хуқуқбузарлик содир этиш хавфи ұртачалиги тўғрисида аниқланган тафовут ҳамда камчиликлар батафсил баён қилинган ҳолда ёзма равишда хабарнома юборилади.

Аниқланган тафовут ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ташкилотлар томонидан аниқлаштирилган қайта маълумот ҳамда асослантирувчи ҳужжатлар тақдим этилмагандан ёки тақдим этилган маълумотларда хуқуқбузарликлар бартараф этилмаганлиги аниқланганда, Инспекция текшириш ўтказиш юзасидан ваколатли органга мурожаат қиласиди.

12. Инспекция томонидан хуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган ташкилотларга аниқланган тафовут ҳамда камчиликлар батафсил баён қилинган ҳолда ёзма равишда хабарнома юборилади ва улар фаолияти текширилмайди.

### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

13. Хуқуқбузарлик содир этиш хавфни таҳлил этиш натижаларидан норози бўлган шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

14. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.



Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлика-таҳлил” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низомга Илова

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлика-таҳлил” тизимида маълумотларни киритиш ва таҳлил этиш СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси	Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлика-таҳлил” тизимида ишлаб чиқарувчи ва савдо ташкилотлари томонидан киритилган маълумотларни таҳлил қилиб боради.	Иш кунлари
2-босқич	1. Давлат солиқ қўмитаси  2. Давлат божхона қўмитаси	1. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотлари улгуржи савдоши ташкилотлари томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларининг маълумотларини Инспекцияга электрон кўринишда тақдим этади.  2. Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинган истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишда Инспекцияга тақдим этади.	1. Солиқ ҳисоботлари тақдим этилган кун  2. Импорт қилингандан кейинги иш куни
3-босқич	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси	Тақдим этилган маълумотлар асосида корхоналар томонидан лицензия талабларига риоя этилишини таҳлил қиласи ҳамда якуний натижаларни балли тизими орқали ҳуқуқбузарлик хавфи даражасини баҳолайди.	Хар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5 сана сигача
4-босқич	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси	Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда текшириш ўтказиш юзасидан белгиланган тартибда ваколатли органга мурожаат қиласи.	1 (бир) иш кунида
5-босқич	Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил	Инспекциянинг мурожаатини кўриб чиқиб, текширишга рухсат этиш ёки этмаслик масаласини ҳал қиласи.	Белгиланган тартибда
6-босқич	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси	Ваколатли органнинг рухсати асосида корхонани қонун ҳужжотларида белгиланган тартибда текширади ва натижалари асосида тегишли чораларни кўради.	Белгиланган тартибда